

# ҲЕЧ КИМНИНГ, АВВАЛАМБОР, МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА АРАЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.



# ЎЗБЕКISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARHAMIZNIKI!

• 2009-yil • 12-noyabr • Payshanba • 133 (30.093) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

## ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ

### Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VII қурултойи тўғрисида АХБОРОТ



Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VII қурултойи бўлиб ўтди. Унда минтақавий партия ташкилотлари конференцияларида сайланган делегатлар мамлакатимизни ислох қилиш ва демократик янгилашнинг ҳозирги босқичида партия олдида турган устувор сиёсий ва ташкилий вазифаларни муҳокама қилдилар.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломов партия Марказий Кенгашининг 2005-2009 йиллардаги фаолияти, шунингдек, партиянинг 2009 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий вакиллик органларига бўладиган сайловда шитироки муносабати билан устувор сиёсий ва ташкилий вазифалар тўғрисида сўз юритар экан, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

2004 йилги сайловлардаги иштирокимиз натижалари, ўтган вақт ичида мамлакатимиз кўппартиявийлик тизими ва сиёсий партияларнинг вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятига тегишли ўзгаришлар киритилгани Ўзбекистон Халқ демократик партияси олдида партиянинг **дустурий ва мафқуравий устувор йўналишлари ҳамда амалий фаолиятини янгилаш** заруратини кўйди. Мана шу жараённинг партия ҳаётидаги энг фаол ва жонли босқичи 2005 йилда бўлиб ўтган ЎзХДПнинг V қурултойидан бошланди.

Биз бугун 2005 йилнинг июли-

да қабул қилинган партиямиз Дастурини амалда бажариш борасидаги фаолиятимизни сарҳисоб қилмоқдамиз, деди маърузачи. Гапларимиз ишларимизга ҳамоҳанг бўлиши учун биз нималар қилдик, электоратимиз манфаатларини қанчалик самарали ҳимоя қила олдик?

Бу оддий саволлар эмас. Эртага, сайлов кампаниясининг халқ қилувчи босқичида эса худди шу саволларни бизнинг номзодларимизга сайловчилар беришади.

Ўтган беш йилда партиямиз дастурий гоёларини амалга ошириш юзасидан ўзига хос тажриба тўпланди. Бу борада қатор ташкилий ишлар амалга оширилди. Жумладан, сафимизни мустаҳкамлаш мақсадида партия аъзолари қайта рўйхатдан ўтказилди. Натижада нафақат барча даражадаги ташкилотларимиз, балки, аъзоларнинг ўзларининг ҳам фаоллиги ошди. Пар-

тиямизда Марказий Кенгашдан торттиб йирик бошланғич ташкилотларга қадар қамраб олинган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими ҳамда Ахборот-ресурс марказлари фаолиятининг йўлга қўйилиши электоратнинг ҳуқуқий, сиёсий маданиятини оширишга хизмат қилмоқда. «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қанотларининг шаклланиши хотин-қизлар ва катта ҳаётга кириб келаётган авлод вакиллари билан ишлашда ўзига хос механизм яратди. Жамоатчилик қабулхоналарининг ташкил этилиши партия электорати манфаатларини янада самарали ифода этиш ва ҳимоя қилишнинг ўзига хос воситасига айланди.

2005 йилнинг август ойида Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси муҳокамасига киритилган «Ипотека тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида ХДП фракцияси

аъзолари партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб, қатор таклифлар киритди. Натижада, лойиҳа қайта кўриб чиқилиб, фракциямиз томонидан киритилган таклифларни инобатга олган ҳолда қабул қилинди. Фракциямиз фаолиятдан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Партиямизнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги кўпгина депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлиги ва фаоллиги кейинги 4 йил давомида анча кўзга ташланди. Жумладан, халқ депутатлари Гурлан туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи бу борада ибрат кўрсатмоқда. Жорий йилнинг апрель ойида гуруҳ ташаббуси билан «Гурлансув» қорхонаси раҳбариятининг аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги фаолияти бўйича ҳисоботи туман Кенгаши сессияси муҳокамасига олиб чиқилди. Сессияда қабул қилинган қарорнинг ижро этилиши натижасида шу пайтгача Дўсимбий, Чинобод, Бирлашган, Хизир эли қишлоқлари ва бошқа аҳоли пунктларининг сув таъминоти сезиларли даражада ахширланди.

Партиямиздан кўрсатилган номзодлар тарафдорлари сафини кенгайтириш учун барча фуқаролар ўртасида партиянинг обрў-эътиборини оширишнинг зарур чора-тадбирларини кўриш, тажрибали ташвиқотчилар гуруҳларини тузиб, улар фаолиятининг мунтазамлигини таъминлаш лозим.

(Давоми 2-бетда)

**Эгамберган КАРИМОВ,**  
Урганч автомобиль ва йўллар коллежи директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Мен мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида таълим соҳасида улкан яратувчанлик ишлари амалга оширилганини таъкидламоқчиман. Бу шубҳасиз, буюк келажакимизга қўйилган мустаҳкам пойдевордир.

Шунингдек, бугун коллеж битирувчиларини доимий иш билан таъминлаш масаласи кун тартибига чиқди.

Жорий йилда вилоятнинг шахар ва туманларида бўш иш ўринлари ямаркалари 46 мартаба ўтказилди, шундан 20 таси вилоят касб-ҳунар коллежларини ўтган ўқув йилида битириб, иш билан банд бўлмаган йилгит-қизлар учун ташкил этилди. 2009 йилда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидаги 22726

## СЎЗ — ҚУРУЛТОЙ ДЕЛЕГАТЛАРИ ВА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

нафар битирувчининг 70 фоиздан ортигининг бандлигини таъминлашда Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаол иштирок этди. Жумладан, халқ депутатлари Хонқа туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи ташаббуси билан жорий йилнинг октябрида халқ депутатлари туман Кенгашининг сессиясида «Тумандаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашнинг аҳоли ва уларни ихтисослаштирилган ямаркалар орқали ишга жойлаштириш тўғрисида»ги масала атрофида муҳокама қилиниб, амалий чоралар белгиланди. Мен коллеж битирувчи-

ларини ишга жойлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларни янада яхшилаш бўйича партия-мизнинг Сайловдди платформуасидан ўрин олган таклифларни тўла қўллаб-қувватлайман.

Бирок биз кўл қовуштириб, масаланинг юқоридан ҳал этилишини кутиб ўтирмастлигимиз керак. Чунки бу масалаларнинг кўпчилиги жойларда ўз ечимини топиши мумкин. Бунинг учун партиянинг маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ишнинг фаоллаштиришимиз даркор. Афсуски, бу борадаги ташаббусларимиз ҳали жуда кам. Партия ташкилотларимиз электорат манфаатларини

ҳимоя этиш йўлида депутатларимиз имкониятларидан етарли фойдаланмаётми. Бизга ишонган, хайрихоҳ бўлган кишиларнинг муаммоларини ҳал этиш механизмининг такомиллаштириш устида жиддий ўйлашимиз керак.

**Олим РАВШАНОВ,**  
Ўзбекистон ХДП Қашқадарё

вилоят кенгаши раиси: — Биз сайловлар жараёнида иштирок этар эканмиз, биринчи навбатда партия тизимида сайлов кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказишга алоҳида эътибор беришимиз лозим. Даставвал, ўтган сайловларда тўпланган тажрибаларга суянган ҳолда,

йўл қўйилган камчиликларни яна бир бор таҳлил этиб олиш зарур.

Сайлов округлари ва участкаларида сиёсий партиялар ваколатли вакилларининг иштирокини таъминлаш ниҳоятда аҳамиятлидир. Шунинг ҳам айтишимиз керакки, аввалги сайловларда айрим партия ташкилотлари етакчиларининг эътиборсизлиги натижасида баъзи сайлов участкаларида партиядан кузатувчилар иштироки таъминланмади, номзодларимизни кўллаб-қувватлашга эътиборсиз қаралди. Энди бундай хатолар такрорланшига йўл қўймастлигимиз керак. Бу жараёнда қонунларда белгиланган барча чораларни қўллашимиз лозим бўлади. Бунда партиямиз билан ҳамкорлик қилиб келган жамоат ташкилотлари фаоллари кўмагидан кенг фойдаланишимиз муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!  
Сизга менинг Европа Иттифоқи комиссияси президенти лавозимига қайта сайланганим муносабати билан йўллаган самимий табригингиз учун миннатдорлик изҳор этаман.

Ҳозир Европа учун ҳам, Ўзбекистон учун ҳам улкан имкониятлар даври, фуқароларимиз биздан барча учун фаровон, хавфсиз ва ишончли келажак барпо этишни кутаётган давр. Айни пайтда ҳали олдимизда глобал инқироздан чиқишдан то иқлим ўзгаришига қарши курашишга бўлган муҳим вазифалар турибди.

Ишончим комилки, агар биз ўз имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланиб, куч ва ҳаракатларимизни самарали ишга солсак, яқин йилларда келгуси ўн йилликлардаги ютуқларимизни шакллантириш йўлини белгилашга муваффақ бўлаемиз.

Бой аънчалар ва Европа билан кўп асрлик алоқаларга эга бўлган Ўзбекистон Европа Иттифонининг муҳим ҳамкоридир. Европа Иттифоқи комиссиясига раҳбарлик қилиш ишониб топширилгани менга қувонч ва шарфа бағишлайди. Мен Ўзбекистон билан янада яқин муносабатларнинг ривожланишига умид қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Ўзбекистон халқига равақ ва фаровонлик тилаб билдирган эзгу истакларимни изҳор этаман.

Самимий табригингиз учун яна бир бор миннатдорлик билдираман.

Эҳтиром ила,  
**Жозе Мануэль БАРРОЗО,**  
Европа Иттифоқи комиссияси президенти

### Акс-садо

## «ГАЗНИНГ МЕҲНАТИ, ҚАДРИ ВА ҲАҚИ»

Газетамизнинг шу йил 3 ноябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида таҳлилий мақола эълон қилинган эди. Унда мустақиллик йилларида мамлакатимизда шахар ва қишлоқларни тўла газлаштиришга катта қуч-ғайрат, маблағ ва моддий ресурслар сарфланганга, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси амалга ошираётган геология-физика, илмий-тадқиқот ва конларни ишга тушириш ҳамда улардан қайдаланиш, истеъмолчиларни табиий газ билан узлуксиз таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар атрофида ёритилган. Шунингдек, мақолада аҳоли ва улгурчи истеъмолчиларнинг фойдаланинган газ учун ҳисоб-китоби, бу борадаги салбий ҳолатлар таҳлил қилинган.

Кейинги кунларда тахририятга бўлаётган кўнгироллар, олинаётган хатлар газетамизнинг бу таҳлилий мақолада кўтарилган муаммоларга беварқ эмас эканлигини тасдиқламоқда. Қуйида газетанинг ушбу чиқишига муносабат билдирилган мактублардан бирини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

«Ўзбекистон овози» газетаси тахририятининг ҳурматли ходимлари! Мен газетанда босилган «Газнинг меҳнати, қадри ва ҳақи» сарлавҳали мақолани алоҳида қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Бутун умрим бўйи мактабда ишлаб, ўғил-қизларимизга биология фанидан дарс берганим учун кундалик матбуот материаллари орқали мамлакатимизда газ саноатининг шаклланиши ва ривожланиши, соҳанинг бугунги даражаси билан яхши танишман, деб ҳисоблардим. Бироқ, бу мақола фикримни ўзгартирди. У орқали газ захираларини ўрғаниш, уни қазиб олиш, қайта ишлаш, истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнлари қанчалик машаққатли меҳнат ҳамда кўп маблағ талаб қилишидан хабардор бўлдим. Очиги, бу хусусда шу пайтгача ўйлаб кўрмаган эканман.

Мақолани ўқигач, менга кучли таъсир қилган яна бир гап шуки, кўпгина кундалик ташвишлар, турмуш иқир-чиқирлари билан бўлиб, газ ҳақини ҳамиша ҳам вақтида тўлай олмаймиз. Лекин айни шу фурсатларда ҳам неча минглаб одамлар хонадонимизга газ узлуксиз етиб туриши учун қуш унса қаноти, одам юрса, оёғи куядиган чўлларда, қирларда, олис-чекка жойларда кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилишаётганини, бунинг учун давлатимиз қанчадан-қанча маблағ сарфлаётганини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз, уни тежаб-тергаш хусусида қайғурмаймиз.

Мақолада кўниб ёзилганидек, газдан қарздорликнинг юзага келиши ҳам мана шу эътиборсизлик, ғафлат босишининг натижаси. Газ ҳақини тўлаш фурсати ўтди, қарздорлик юзага келди, ой сайин у қўлайиб, боз устига «туғиб» ҳам боради. Охир-оқибатда унинг юки оғирлашиб, иложсиз ҳолга тушамиз, уятга қоламиз.

Мени ўйлантирган яна бир гап, газдан ўғринча фойдаланаётган одамлар ўз ораимизда, деярли ҳар бир маҳаллада учраб туради.

Яқинда чойхонада бир гап чиқди. Қўшни қишлоқда бир киши новвойлик

билан шугулланиб, тўй-маъракаларга, савдога иссиқ нон етказиб бера бошлапти. Бирин-кетин икки-уч ёш-яланғи ёллаб, қишлоқда ҳазор аралаштириш ҳеч қачон кишини яйратиб-яшатмайди. Ахир, айтадилар-ку, «Эгри иш — келтирар ташвиш», деб.

Бу воқеа ҳаммамизни ўйлантириб қўйди. Ундан ҳулоса шуки, ўттири — ўтга, сувники — сувга кетади. Ўғринча иш қилиш, турмушга ҳаром аралаштириш ҳеч қачон кишини яйратиб-яшатмайди. Ахир, айтадилар-ку, «Эгри иш — келтирар ташвиш», деб.

Газ, ундан қарздорлик давлатимизга, газлаштириш идораларига қанчалик зарар келтириши хусусида ёзганларингиз мени қанам олишга, ўз фикр-мулоҳазаларимни баён этишга даъват қилди. Биз — ориятли халқмиз. Текин-хўрликдан, текиндан ҳазор қилиш азалий фазилатимиз. Бировдан қарз кўтарсак, уни тўламаганимизча тинч-лигимизни йўқотамиз, ҳаётимизда ором бўлмай қолади. Газдан, бошқа коммунал тўловлардан қарздорлик орияти бундан-да кучли. Чунки кўпнинг ҳақи. Шу боис ўғилларим маошини қўтариб келишса, биринчи саволим бирор тўлов бўйича қарздор ёки қарздор эмаслигимиз хусусида бўлади. Кейин бозор-ўчар, тирикчиликни ўйлаймиз. Шунда юзимиз ёруғ, кўнглимиз тинч бўлади, еган-ичганимиз сингади. Буни ҳамиша ёдда тутишни фарзандларимга насиҳат қиламан.

**Мусабек БҮРИБЕКОВ,**  
Меҳнат фахрийси,  
Тошкент вилояти, Зағнота тумани,  
Долгунзор қишлоғи,  
Ҳабиб Нўмон кўчаси

# ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ

## Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VII қурултойи тўғрисида АХБОРОТ

Партиямиздан маҳаллий Кенгашларга сайланган кўпгина депутатлар нафақат давлат ҳокимиятининг мазкур сайланма органлари ишида фаол иштирок этаптилар, балки бевосита ўз сайлов округларида электоратимиз вакилларига амалий ёрдам ҳам кўрсатишмоқда. Масалан, Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, «BR Production» қўшма корхонаси директори Сергей Ким айнан шу мақсадларда 5 йил давомида ўзининг депутатлик сўрови ҳуқуқидан 12 мартаба фойдаланган. Натигада, унга муносабат қилган кишиларни қизиқтирган нафақа белгилаш ва тўлаш, ижтимоий тўловлар ва моддий ёрдам каби масалалар ижобий ҳал қилинди. Депутатимиз ташаббуси билан ҳам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш учун 55 миллион сўмдан ортиқ ҳимойлик маблағи жалб этилди.

Бу каби мисолларни партия-мизнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Наманган, Тошкент ва бошқа вилоятлар, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ишида ҳам кўриш мумкин.

Бироқ, сўзга чиққан делегатлар ахвол ҳамма жойда ҳам бир хил эмаслигини таъкидлашди. Шунга айтиш керакки,

(Давоми. Боши 1-бетда)

сўнги ярим йил ичида партия Марказий Кенгаши бир неча бор депутатлик бирлашмалари фаолиятининг самарадорлиги масалаларига жиддий эътибор қаратди. Ижрокўмининг кенгайтирилган йиғилишлари, Марказий Кенгаш пленумларида ХДП Андижон, Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятларининг бир қатор туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари танқид қилинган эди. Маҳаллий Кенгашлардаги ХДП вакилларининг ташаббуси билан партия-мизнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Наманган, Тошкент ва бошқа вилоятлар, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ишида ҳам кўриш мумкин.

Агар барча депутатлик тузилмаларимиз ва партия ташкилотларимиз электорат манфаати учун етарлича ҳаракат қилганларида, бугун ишларимиз янада самарали бўларди.



Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституцийвий Қонун талабларидан келиб чиқиб, фракция-мизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фаолиятини талабчанлик билан баҳолаб-муносабат қилган ҳақиқатларимиз уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда биздан янада кўпроқ изчиллик ва қатъийлик кутади.

Шу ўринда ўзимизга баъзи ҳақли саволларни берсак. Давлат ижтимоий дастурлари ишлаб чиқарилаётган пайтда қандай аниқ таклифлар билан иш-

тирок этдик? Афсуски, бу масалада партия ўз имкониятларидан керакли даражада фойдаланмади. Ёки давлат ижтимоий дастурларини амалга оширишда иштирокимиз қанчалик бўлди? Очик тан олиш керак, бу масалада ҳам етарли иш олиб бораётганимиз йўқ. Ваҳоланки, электоратимиз ма-на шу йўналишда бизнинг талабчанлик билан баҳолаб-муносабат қилган ҳақиқатларимиз уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда биздан янада кўпроқ изчиллик ва қатъийлик кутади.

Шунингдек, жойларда ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли бўлган давлат қарорлари ба-жарилуши устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун ХДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва депутатлик гу-руҳларининг масъулиятини

ошириш талаб этилади.

Ушбу масалада партия-мизнинг бош сиёсий вазифаси — мамлакатимизда амалга ошири-лаётган ижтимоий сиёсатнинг негизини ташкил қилувчи дав-лат қарорлари аниқ, ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини назор-ат қилиш ҳамда жамиятдаги бошқа имкониятларни шу мақ-садга йўналтиришдан иборат.

2005 йил охирида ХДП Қора-қалпоғистон республика, вило-ятлар, Тошкент шаҳар ҳамда барча туман ва шаҳар кенгаш-ларида Жамоатчилик қабулхо-наларининг ташкил этилиши партия электорати муаммолари-ни ўрганиш, уларнинг ҳаётий масалаларини ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатишни кен-

гайтириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Ўтган 4 йил давомида, ушбу қабулхоналарга ўз муаммолари билан 50 мингдан ортиқ фуқаро муносабат қилди. Албатта, кимларгадир бу рақам анча кам бўлиб кўриниши мумкин. Бироқ партияга ёрдам сўраб, муносабат қилган ҳар 4 нафар фуқародан уч нафари амалий ёрдам олганини таъкидлаб ўтиш лозим.

Сўзга чиққан делегатлар йўл қўйилган хато ва камчиликларни очик-ойдин танқид қилишди, уларни бартараф этиш бўйича фикр-мулоҳаза билдиришди.

Қурултойда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ва Марказий таф-

тиш комиссиясининг 2005-2009 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди. Ўзбекистон Халқ демократик партия-сидан Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлисининг Қонун-чилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди. Ўзбеки-стон Халқ демократик партияси-нинг 2009 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик пала-таси, Қорақалпоғистон Респуб-ликаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, ша-ҳар Кенгашларига бўладиган сайловлар муносабати билан Сайловолди дастурининг йўна-лишлари белгилаб олинди. Шу-нингдек, қурултой ваколатига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чи-қилди ва улар юзасидан тегиш-ли қарорлар қабул қилинди.

Шу куннинг ўзида Ўзбеки-стон Халқ демократик партия-си Марказий Кенгашининг биринчи пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масалалар кўрилди. Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси ва Ижрокўм Ҳайъати шакллантирилди.

Қурултой якуни бўйича юртимиз ва хорижий мамла-катлар оммавий ахборот вос-ситалари вакиллари учун мат-буот анжумани бўлиб ўтди.



Шавкат ҚАҲҚОРОВ ва Владимир ГОНЧАРЕНКО олган суратлар.

# СЎЗ — ҚУРУЛТОЙ ДЕЛЕГАТЛАРИ ВА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Нурдинжон ИСМОИЛОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатасининг Қонунчилик ва  
суд-ҳуқуқ масалалари  
қўмитаси раиси:**

— Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда юз бераётган жараёнларда сиёсий партияларнинг ўрни, таъсири яққол кўзга ташланмоқда. Бунда сиёсий партияларга фаолият юритиши учун етарли шарт-шароитлар, ҳуқуқий асослар яратиб берилгани муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳ-бари ташаббуси билан қабул қилин-ган «Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш-да сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конститу-цийвий Қонун аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтиришда, чинакам кўппартиявийликни ривож-лантиришда, демократик ислохот-ларни чуқурлаштиришда гоят муҳим роль ўйнамоқда. Қонун сиёсий пар-тияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият органларининг шакллантирилишига, уларнинг фаолияти устидан самарали жамо-атчилик назорати йўлга қўйилиши-га фаол таъсир кўрсатиши учун кў-шимча ташкилий-ҳуқуқий шароит-лар ҳам яратди.

Демократик ўзгаришлар жараёни, аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий мад-анияти, фуқаролик жамияти инсти-тутларининг етуқлик даражасининг ўсганлиги сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш масала-сини кун тартибига қўймоқда. Шун-дай шароитда ҳар бир сиёсий партия нафақат сайловларда иш-тирок этиш, балки мумкин қадар кўпроқ депутатлик ўринларига эга бўлиш, ўз электорати манфаатла-рини самарали ҳимоя этиши зарур. Ўзбекистон ХДПнинг навбат-даги сайловдаги имкониятлари ҳақида гапирадиган бўлсак, таъкид-лашимиз керакки, бу сафарги сай-лов жараёнига ҳар қачонгидан жид-дий муносабатда бўлишимиз зарур. Чунки, бунда биз сайлов кампа-ни-сида иштирок этаётган бошқа сиё-сий партиялар ва уларнинг номзод-лари имкониятларини жиддий таҳ-лил қилишимизга тўғри келмоқда.

Маълумки, партия-миз ўтган сай-ловдан сўнг парламентдаги мухо-лифат фаолиятини ўз зиммасига олди. Фракция-миз парламентдаги кўпчилиكنи ташкил этган блок бил-ан ҳар қандай масалада конструк-

(Давоми. Боши 1-бетда)

тив равишда рақобатлаша олди ва сиёсий кураш майдонида доимо ўз сўзини ва ўз ўрнига эга бўлди. Ма-ҳаллий Кенгашларда энг кўп депу-татлик ўринларини эгаллаган сиё-сий партия ҳам бизнинг партия бўлди. Энг кўйи бугунларда ҳам БПТ-мизнинг борлиги, уларнинг таж-рибаси ҳам биз учун катта имкони-ятлар беради. Бироқ бўлажак сай-ловда муваффақият қозониш учун амалий фаолиятимизни танқидий таҳлил қилишимиз, мавжуд имко-ниятлардан қай даражада фойда-лана олганлигимизни сарҳисоб қилишимиз зарур.

Ўтган даврда маҳаллий Кенгаш-лардаги депутатлик гуруҳларимиз етарли даражада фаолият кўрсата олди, деб айта олмаيمиз. Бугунги ҳаётимизда учраб турган ва жойлар-да ечимини кутаётган масалалар, шунингдек, партия-мизнинг парла-ментдаги фракцияси фаолиятини янада такомиллаштириш, қонунларимизнинг жойлардаги ижроси аҳо-ли ҳақида маълумотлар ва таклиф-ларни маҳаллий Кенгашлардаги депу-татларимиздан ҳар доим ҳам ололмадик. Асосий камчиликларимиздан бири — жойлардаги вакил-ларимизга ўз вақтида амалий ҳамда методик ёрдам бериш, уларнинг иж-тимоий ва сиёсий фаоллиги, тева-рак-атрофдаги воқеаларга дахлдор-лик тўғрисида янада оширишга эъти-борсизроқ бўлганимиз, пировардида депутатлик масъулиятини кучайти-ра олмаганимизда деб биланам. Шун-ингдек, Қонунчилик палатасида ҳам парламент назоратини амалга оши-риш борасидаги мавжуд имкони-ятлардан самарали фойдаланмагани-мизни очик айтиш керак. Сайловга киришар эканмиз, ушбу масалалар-ни яна бир бор таҳлил этиб, тўғри хулоса чиқариб олишимиз зарур.

**Зоя АН,  
Сергеи туманидаги 13- оилавий  
поликлиника бош врач:**

— Биз ижтимоий бирдамлик, и-жтимоий ҳимоя тўғрисида гапирар эканмиз, ижтимоий ёрдамга муҳтож кишилар учун ўз масъулиятимизни чуқур ҳис этишимиз зарур. Бу ёрдам қафолатли ва сифатли тиббий хиз-мат кўрсатиши ҳам ўз ичига ола-ди. Бу эса ўз навбатида кадрлар-нинг салоҳиятига боғлиқ. Мен бунга тиббиёт муассасаси раҳбари бўлиб ишлаб яна бир бор ишонч ҳосил қил-дим. Афсуски, соғлиқни сақлаш ти-зимининг бошланғич бўғинида ма-лакали мутахассислар етишмади.

Шу боис, ҳозирда аҳолининг акса-рият қисмига кўрсатиладиган бепул тиббий хизмат сифати ҳаммиса ҳам талабга жавоб бермасдан, кишилар эҳтиёжини тўлиқ қондира олмапти.

Мен партия-мизнинг тиббиёт хо-димларига имтиёзли ва физсиз кредит, ссудалар ажратиш тўғри-сидаги таклифини тўлиқ қувватлай-ман. Бу, айниқса, ўзқ жойлардаги тиббиёт масканларида ишловчи му-тахассисларга катта ёрдам бўлади. Бундан ташқари, қишлоқ соғлиқни сақлаш масканларини маҳаллий кадрлар билан таъминлаш учун қишлоқ ёшларига тиббиёт олий ўқув юртиларига киришларига имтиёз бе-риш масаласини ўйлаб кўриш ке-рак, деб ҳисоблайман.

Шунингдек, фуқаролар ўз соғлиқ-ларига жиддий эътибор қаратиш-ларини таъминлаш учун тиббий су-ғурта тизимини тезроқ амалга ки-ритиш борасида партия-миз ташаб-бус кўрсатиши зарур.

**Энахон СИДДИҚОВА,  
Ўзбекистон ХДП Фарғона  
вилоят кенгаши «Фаол аёллар»  
қаноти раиси:**

— Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва ман-фаатларини ҳимоялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари-дан биридир. Мамлакатимизда аёл-нинг давлат ва жамият ҳаётида ўз ўрнига эга бўлиши, оналик ва бо-лаликни муҳофаза қилиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Миллат тақдирини, Ватан тақдирини билан бевосита боғлиқ бу долзарб ма-салалар партия-миз дастурида ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон ХДПнинг барча бугун-лариди «Фаол аёллар» қанотининг ташкил этилганига ҳали кўп ўтмаган-га қарамай, бу ҳаракат ўз атро-фида маслақдошларни бирлаштира олди. Жойларда хотин-қизлар му-аммолари ўрганилиб, уларнинг ечи-ми устидан иш олиб борилмоқда.

«Микромолиялаш тўғрисида», «Микрокредит ташкилотлари тўғри-сида»ги Қонунларнинг қабул қилин-ганилиги, касаначилик фаолиятининг қўллаб-қувватланаётганлиги туфай-ли хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя-лашга, турмуш тарзини юксалтириш-га кенг йўл очилди.

Ўтган йиллар давомида партия-дан сайланган аёл депутатларимиз таш-килотчилиги ва савй-ҳаракати билан хотин-қизларни иш билан таъмин-лаш, уларга янги касб-ҳунар ўрга-тиш, қишлоқларда соғлом турмуш тарзини яратиш борасида ҳам бир

қатор ишлар амалга оширилди...

Лекин ҳаёт ўз фаолиятимизга та-нақидий ёндашиш, хулоса чиқариш-ни талаб этмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз му-ҳим сиёсий жараёнлар арафасида турибди. Шу йилнинг декабрь ойи-да ўтадиган Олий Мажлис Қонунчи-ликлари палатаси, халқ депутатлари ма-ҳаллий Кенгашлари сайловларига қандай имкониятлар билан келдик? Номзодларимизга аёлларнинг қан-часи овоз беришга тайёр? Ўтган сай-лов жараёнидаги шу билан боғ-лиқ камчиликни тузата олдими? Хо-тин-қизларимизнинг бу сайловда ва-килларимизни қўллаб-қувватлашига қай даражада қафолат бор? Ўйлай-манки, бу саволлар ҳаракатимизнинг ҳар бир фаолини жиддий ўйланти-радиган масалалардир. Бошланғич бўғинларимиздаги тарғибот-ташви-қот ишларимиз ҳамма жойда ҳам қўнғилдайдик эмаслиги, бефарқлик, лоқайдлик, ўзи бўларчилик кайфи-ятлари борлигидан кўз юма олма-ймиз. Бу камчиликларни тузатиш биз-дан жуда катта ташкилотчилик, сиё-сий фаоллик талаб этади.

**Сафар ОСТОНОВ,  
«Ўзбекистон овози» ва  
«Голос Узбекистана» газеталари  
Бош муҳаррири:**

— Ҳар бир ҳуқуқий демократик жа-миятда очкичлик, ошқорлик, сайлов-олди ташвиқоти сайлов жараёни-нинг энг муҳим ва масъулиятли бос-қичи ҳисобланади. Сайлов жараё-ни, сайловчилар, хусусан, электро-рат фаоллиги, сайлов натижалари кўп жиҳатдан сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларига боғлиқ.

Сайловолди тарғиботида оммавий ахборот воситалари, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Айнан ОАВ орқали аҳоли сиёсий партиялар, улар кўр-сатган номзодлар, партиянинг дасту-ри, мақсади, салоҳияти ҳақида та-саввурга эга бўлади.

Мамлакатимизда сайловолди таш-виқотини олиб бориш ОАВдан фой-даланишда барча сиёсий партиялар ва уларнинг депутатликка номзодла-ри учун тенг ҳуқуқ берилиши қону-чилигимизда қафолатланган. Шун-и ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, сиёсий партиялардан депутатликка номзодларнинг сайловолди тарғиботи учун маблағ давлат бюджетидан аж-ратилиши Ўзбекистон сайлов кону-нчилигида белгилаб қўйилган. Дунё-нинг қатор ривожланган мамлакат-ларида ҳам депутатликка номзодлар учун бундай имконият яратилмаган.

Партия-миз, депутатликка номзод-ларимиз сайловолди ташвиқоти са-марали бўлиши учун ўз дастурида умумий гаплардан чекиниб, ижтимоий ҳимоя муаммоларини ечи-шини аниқ йўллари кўрсатиши тала-б этилади. Ташвиқот ишларига юзакчилик, мавҳумликдан қочиши-ми керак. Аввало, мақсадимизни одамлар тушуини, таклифларимиз ҳаётийлигига ишонсин.

Ўтган сайловлар натижалари шун-и кўрсатдики, қаерда сайловолди ташвиқоти юзакли ўтган бўлса, ўша ерда юзакчилик. Бу хато ва камчи-ликлар бизга сабоқ бўлмоғи керак.

Сайловларга тайёргарлик кўриш партия-миз матбуоти зиммасига, ай-ниқса, катта масъулият юклайди. Ўзбекистон ХДПнинг ўзбек ва рус тилларида чоп этиладиган иккита бўғинларимиздаги тарғибот-ташви-қот ишларимиз ҳамма жойда ҳам қўнғилдайдик эмаслиги, бефарқлик, лоқайдлик, ўзи бўларчилик кайфи-ятлари борлигидан кўз юма олма-ймиз. Бу камчиликларни тузатиш биз-дан жуда катта ташкилотчилик, сиё-сий фаоллик талаб этади.

**Кумар БЕГНИЯЗОВА,  
«Истикбол» ёшлар қаноти  
фаоли, Зулфия номидаги  
Давлат мукофоти совриндори:**

— Сайлов — мамлакатимиз халқи ҳаётида жуда муҳим аҳамиятга эга эканини биз ёшлар яхши тушунамиз. Биз сайлов жараёнидан четда қолмаслигимиз ва албатта ўз фаол-лигимизни кўрсатишимиз керак. Зе-ро, бўлажак депутатларнинг фаоли-яти биз — ёшларнинг эртанги ҳаёти-миз қандай бўлишида муҳим аҳа-миятга эга. Биз эса ўз тақдиримизга бефарқ эмасмиз. Шунинг учун ҳам бу жараёнларга теран нуқтаи назар билан қараш ва тўғри хулоса чиқариши-миз зарур. Биз «Истикбол» ёшлар қан-оти аъзолари партия-миз билан бир-галикда сайловолди жараёнларига қандай ҳисса қўлишимиз мумкин?

Биз ўз тенгдошларимизга бу сай-ловлар дунёда эътироф этилган халқ-аро принциплар асосида бўлаётган-ини англаб етишида кўмакдош бў-лишимиз шарт.

Тенгқўрларимизни сайловларда фаол иштирок этишга чорлашимиз лозим. Сайловда ҳар бир йиғит-қиз ўз фуқаролик бурчини адо этиши керак.

Партия-миз гояларидан келиб чиққан ҳолда ёшлар орасида тарғи-бот ишларини олиб бориш «Истик-бол» ёшлар қанотининг асосий ва-зифаларидан ҳисобланади.

Биз партия-миздан кўрсатилган

номзодларнинг дастурларини ҳамда партиянинг бугунги қурултойида қабул қилинадиган Сайловолди дастури, гояларини Сайловолдига тушунтиришда ўз ҳиссамизни қўши-шимиз лозим.

Сайловлар мобайнида номзодлар ўртасида, уларни номзод қилиб кўрсатган партиялар ўртасида тортишувлар бўлади. Биз, ёшлар сиёсий баҳсларда партия-миз гоя-ларининг афзаллигига сайловчилар-ни ишонтиришга ҳаракат қи-лишимиз керак.

**Фахриддин ИСАЕВ,  
ЎзХДП Олот туман  
кенгаши раиси:**

— Бугун биз партия-миз ҳаётига оид чуқур таҳлилларга асосланган, кела-жакдаги аниқ устувор вазифалар бел-гиланган қарорлар қабул қилдик. Ў-тган беш йил мобайнида сиёсий ҳаётимизда «Сўл қанот», «Муҳолифат» тушунчалари шаклланди. Партия-миз сафлари сараланди, унинг тизимида хотин-қизлар ва ёшлар билан иш-лашининг ўзига хос услублари яра-тиди, партия фаолларининг сиёсий билими ва маданиятини оширишга қаратилган янги ўқув тизими жорий этилди. Амалга оширилган чора-тад-бирлар бўлажак сайловларни муваф-фақиятли ўтказишда партия электро-рати иштирокчи таъминлашининг гарови ҳисобланади.

Аввалги сайловларда халқ депу-татлари Олот туман Кенгашига пар-тия-миздан 7 нафар депутат сайлан-ган. Афсуски, ўтган давр мобайни-да туман Кенгаши сессияси кун тар-тибига депутатларимиз ташаббуси асосида бирорта масала киритил-мади. Бу албатта бизнинг ўз имко-ниятимиздан самарали фойдалана олмаганимиздир. Бу масалада партия туман кенгаши ҳам талаб-чанлик кўрсатмади.

Маърузада бу каби камчиликлар сабаби ва уларни тузатиш йўллари кўрсатиб ўтилди. Биз электорат манфаатини ишончли ҳимоя этиш учун ўз фаолиятимизга танқидий ёндашиб, партия етакчилигига талабни оширишимиз зарур.

Шунингдек, маъруза юзасидан бўлган музокарада Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдул-Орипов, ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳаётхон Ортиқбоева, Ўзбекистон Халқ шои-ри Маҳмуд Тоир ва бошқар сўзга чиқди.

Президентимиз Тошкентда ўз ишени яқунлаган Ҳамдустлик аъзо давлатлар темир йўл транспорти бўйича Кенгашининг 51-мажлиси иштирокчиларига йўллаган табрида Ўзбекистон темир йўл тармоғини модернизация қилишнинг 2013 йилгача мўлжалланган комплекс дастур вазибаларига тўхталар экан: **Ушбу дастур поездлар паркни янгилаш, йўллари қайта тиклаш, ихтисослаштирилган санаят корхоналарини реконструкция ва модернизация қилишга доир биринчи галда бажарилиши лозим бўлган чоратadbирларни ўз ичига олган. Ушбу концепцияда, шунингдек, биз учун ва бутун минтақа учун янги бўлган тезюрар йўловчи поездлар ҳаракатини йўлга қўйиш кўзда тутилган. Бу темир йўл транспорти ва унга нисбатан одамларнинг муносабатини тубдан ўзгартиради,** деб таъкидлади.

Мамлакатимиз бўйлаб йўлга чиқарилган ҳамда жаҳон тепловозсозлигида бутунлай янги «Uzbekistan» тепловози ушбу концепциядан ўрин олган лойиҳалар самарасидир. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл




# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТЕПЛОВОЗИ

да тайёрланган. Шартномага кўра, улар 2010 йил январь ойининг охиригача Тошкентга етказиб берилиши кўзда тутилган. Ишлаб чиқарувчилар дизеллар бўйича бу юртмани шу йилнинг охиригача урдалаш имкониятига эга. Ҳар куни «Ўзтемирйўлмаштаъмир» дарвозасидан кириб келадиган вагонлар

тўла дизел ва эҳтиёт қисмлар бу фикрни исботлаб турибди. Луганск тепловозсозлик заводида ишлаб чиқарилган ТЭ10 локомотивлари даставвал Харьковда ишлаб чиқарилган 10Д100 русумли дизеллар билан комплектланган. Бундай тепловозга бошқа дизел ўрнатиш эса уни тубдан модернизациялашни талаб этади. Ўзбекистонда ишлатиб келинаётган ва ҳозирги кунда хизмат муддатини ўтаб бўлган тепловозлар айнан ана шу заводда ишлаб чиқилган. Бундай тепловозларга янги ҳаёт бахш этишдек жиддий ва мураккаб вазибани амалга ошириш тақозо этиларди. Бундай ишга дастлаб Россиянинг Усурийск заводида қўл урилган эди.

Мамлакатимиз темирйўлчилари ҳам модернизациялаштиришнинг иқтисодий-ижтимоий афзалликларини ҳисобга олиб, бу вазибани ўзимиз-



Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг Тошкентдаги вақолатхонаси раҳбари Матвё Ле Блан, «Трансмашхолдинг» ЁАЖ тижорат ишлари бўйича директори Шуҳрат Маҳмудов, МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари темир йўл транспорти бўйича Кенгаши дирекциясининг раиси Петр Кучеренко, ва бошқалар Ўзбекистонлик мутахассислар ишига катта баҳо бердилар.

— Айримлар замонавийлаштирилган тепловозларнинг бу қадар юқори сифат ва дид билан ишлаб чиқарилишига ишонмасди, — деди «Трансмашхолдинг» ЁАЖ нинг тижорат ишлари бўйича директори Ш.Маҳмудов. — Энди эса замонавий дизел-генераторлар юқсак малакали мутахассислар қўлида ажойиб сайқал топапти.

«Бундай ютуқларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг темир йўл транспорти яхлит тизимини, транспорт коридорларини, республикада оғир машинасозлик асосларини яратиш, 2009-2013 йилларда тармоқни модернизациялашнинг комплекс дастуридаги бошқа масалаларни ҳал этишга кўрсатётган доимий диққат-эътибори ва ғамхўрлиги туфайли



кориҳонасида бундай салмоқли лойиҳаларни ўзлаштиришда етарли тажриба ва салоҳият шаклланган. Бир мисол, кориҳонада шу йилнинг ўзида Ҳамдустлик мамлакатларида биринчилар қаторида тўрт секцияли тепловозларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу техникалар «Тошгузар»

— Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл тармоғининг энг баланд тоғли, ҳаракатланиш қийин бўлган мураккаб участкаларида юқори унум билан бенуқсон ва тўтовсиз ишлатилмоқда. Корхона муҳандис-техник ходимларининг саъй-ҳаракати туфайли қисқа муддат ичида 7 та шундай қудратли тепловоз ишлаб чиқарилди.


Корхона ходимлари режадаги локомотивларни таъмирлаш ишини тўхтатмасдан, бир вақтнинг ўзида модернизациялашни ҳам муддатда адо этишга аҳд қилишган. Тошкент анжумани доирасидаги тақдирот маросимида намойиш этилган мамлакатимиз темир йўл корхоналарида ишлаб чиқилган юк ва йўловчи вагонлари билан бирга, «Uzbekistan» номили УЗТЕ16М2 русумдаги 001-рақамли тепловоз меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

эришилаётганига амин бўлдик», — деди Кенгаши раиси, «Россия темир йўллари» ЁАЖ президенти Владимир Якузин журналистлар билан суҳбатда.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистонда яна бир соҳа — оғир машинасозлик тараққий топмоқда. Кенг қўламли ташкилий, илмий-техник ва муҳандислик ечимларини талаб этадиган бундай қамровли вазибага қўл уриш осон эмас.

Президентимиз табригида қайд этилганидек: **«Бу мамлакатларнинг муваффақиятли ҳал этилиши, шубҳасиз, темир йўл тизимини янада такомиллаштириш, давлатларимиз ҳаётида муҳим ўрин тутадиган мазкур соҳада интеграция жараёнларини чуқурлаштириш имконини беради».**

Сувонкул РУСТАМОВ журналист.



## УЧ МАРТА САЙЛОВ ЎТКАЗИЛДИ

аммо ҳануз...

Молдова парламентида 10 ноябрь кунги сайловда ҳам президент сайланмади. Коммунистик партия депутатлари номзод учун овоз беришдан бош тортишди ва парламент биносини тарқ этишди. Шундай қилиб, учинчи сайлов ҳам барбод бўлди.

Коммунистик партия президентликка ягона номзод, Демократик партия етакчиси Марцана Лупуни сотқинликда айбладилар.

Ҳап шундаки, М. Лупу жорий йилнинг эйгача Коммунистик партия аъзоси бўлган. Ёзда ўтказилган сайловда Коммунистик партия унинг номзодини эмас, балки ўша пайтда бош вазир Зинаида Гречанаянинг номзодини илгари сургани учун аразлаб, партия аъзоларидан чиққан. Демократлар тақлифига қўра, Демократик партияга аъзо бўлиб кирган ва партия етакчилигига рози бўлган.


«Новости» АА хабарига қараганда, номзодни президентликка сайлаш учун 61 депутатнинг овози керак. Аммо парламент кўпчилигини ташкил этувчи Либерал-демократик коалиция 53 та мандатга, яъни 53 та овозга эга. Муҳолиф Коммунистик партия эса 48 та овозга эга. Либерал-демократлар 61 та овоз йиғиши учун коммунистларнинг маълум қисмини «авраб», ўзларига оғдиришлари лозим. Аммо бунинг урдадан чиқишолмади.

Эслатиб ўтаимиз: республикада шу йилнинг ўзида биринчи президент сайлови 20 майда, иккинчиси 3 июнда бўлиб ўтган.

Молдова қонунчилиги кўра, яна 30 кундан кейин қайта президент сайлови ўтказилиши лозим. Агар ўшанда ҳам президент сайланмаса, вақтинча давлат бошлиғи вазибасини бажариб турган парламент спикери Михай Гумпу парламентни тарқатиб юборади ва навбатдан ташқари парламент сайлови кунини белгилайди.

Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, яқинда Либерал-демократик коалиция депутатлари томонидан Парламент сайлови тўғрисидаги қонунга киритилган ўзгаришларга кўра, парламент бир йилда бир марта тарқатиб юборилишига рухсат берилди. Молдова парламенти эса президентликка номзод сайланмагани учун охири марта жорий йилнинг июнида тарқатиб юборилган. Янги парламент сайлови эса 2010 йил кузда ўтказилиши мумкин.

## ЯНА БИР МАМЛАКАТ ДИПЛОМАТИК АЛОҚА ЎРНАТАДИ



Янги Зеландия маъмурияти Косово мустақиллигини тан олди ва дипломатик алоқа ўрнатиш бўйича расмий ҳужжатларни имзолади, дея хабар беради «New Kosova Report». Шундай қилиб, Янги Зеландия Косово мустақиллигини тан олган олтинчи учинчи мамлакат ҳисобланади.

Эслатиб ўтаимиз: 2008 йил 17 февраль кунини Косово АҚШ ва Европа Иттифоқининг бир қатор мамлакатлари қўллаб-қувватлови остида Сербиядан ажралиб, бир томонлама мустақиллик эълон қилган. Аммо Сербия, Россия, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа бир қанча нуфузли мамлакатлар Косово албанларининг бир томонлама мустақиллик эълон қилиши халқаро ҳуқуқ меъёрларини бузишдан ўзга нарса эмас, дея баҳолаб, унинг мустақиллигини тан олишни рад этган.

Жорий йил октябр ойи ўрталарида Сербия БМТга аъзо мамлакатларни Косовонинг бир томонлама мустақиллик эълон қилиши қонуний ёки қонуний эканлиги масаласини Гаага халқаро суди томонидан 1 декабрь кунини қўриб чиққунга қадар Косовонинг суверен давлат сифатида тан олмаслиққа қачирди. Гаагадаги суд жараёнида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари — Хитой ва Россия (Сербия томон), шунингдек, Франция, Германия, Буюк Британия ва АҚШ (Косово томон) ҳам иштирок этади.

## БИР ҲАФТАДАН БЕРИ ТИНИМСИЗ АКЦИРМОҚДА

Американиннг Виржиния штатида қарашли Чесапик шаҳрида яшовчи 12 ёшли қиз — Лорен Жонсон шамоллашнинг гаройиб асоратларида азият чекмоқда, дея хабар беради «Hampton Roads News» нашри.

У бир ҳафтадан бери тинимсиз акцирмоқда. Акцирларнинг оралиғидаги «буш вақт» атиги 4 сонияни ташкил этмоқда, холос.

Онаси Линн Жонсоннинг айтишича, қизи учун ҳаётнинг қизғин қолмади: кўчага чиқолмапти, мактабга боролмапти, ҳатто тузукроқ овқатланилмапти ҳам, дугоналари билан ёки ўзининг яқинлари билан гаплашишни айтмаса ҳам бўлади.

Қиз кўнгини шифокорларга кўрсатилди, аммо фойдаси бўлмапти. Ҳатто профессионал кўзбойлағининг «муолажаси» ҳам таъсир этмапти. Ҳозирча унга таъхис қўйишнинг ўзи қийин кечмоқда. Шунинг учун қизнинг онаси оммавий ахборот воситаларига мурожаат этмоқда. Зора, ОАВда босилган хабарлар орқали «бемор» қизни даволайдиган шифокор топилса.

# ОВУЛЛАР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Президентимизнинг 2009 йил 3 августда Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қарори эълон қилинган эди. Бугун мамлакатимизда бу борада улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан «Қишлоққурилиш» ижтимоий компаниясининг Қорақалпоғистон филиали директори Липесбой Алламжарова мурожаат этди.

— Қишлоқ ва овул аҳолисининг турмушини тубдан яхшилаш мақсадида 2009-2010 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг 5 та туманида намунавий лойиҳалар асосида, 15 йил муддат билан ажратиладиган имтиёзли кредитларнинг эвазига уй-жойлар қуриш бошлаб юборилди.

Элликқалъа туманида «Қилчиноқ» посёлкасида 50 та уй, Қўнғирот туманида «Гулистон» посёлкасида 54 та уй, Ҳўжайли туманида «Ойбек» номли посёлкасида 46 та уй, Кегайли туманида «Қизил уй» посёлкасида 48 та уй, Нукус туманида

## Қишлоқ қурилиши



«Узункўл» посёлкасида 44 та уй, жами 242 та уй-жой учун 116,5 гектар ер ажратилди.

Шундан биринчи босқичда, яъни жорий йилнинг охиригача 5 та туманининг ҳар бирида 20 тадан 100 та уй-жой қуриш режалаштирилган. Ажратилган ер майдонларида топогеодезия ва геология қилдирув ишлари тўла тугатилди. Бош лойиҳа ишлаб чиқилди, ер майдонлари бўйича экспертизаниннг ижобий хулосалари олинди. Ажратилган ерлар «Қишлоққурилиш» ижтимоий компаниясининг филиалига бириктирилди. Уй-жойларнинг намунавий лойиҳалари асосида посёлкаларнинг шароитига мослаштирилиб, лойиҳалар қайта ишлаб чиқилди. Филиал томонидан шу йилнинг 14 октябрь кунини танлов асосида бош пудратчи қурилиш ташкилотлари белгиланди.

Мақсуд Сапарбоев раҳбарлик қилаётган «Аёзқалъа» махсус қурилиш, Пулат Ту-

ремуратов раҳбарлик қилаётган «Елнинг кўрки қурилиш», Талгат Балтаев раҳбарлик қилаётган «НавЭралКегайли» ҳамда Кеулимжай Қулмурадатов раҳбарлик қилаётган «Қорақалпоқ таъмирлаш қурилиш» масъулияти чекланган жамиятига қарашли 3-сонли қурилиш бошқармаси бош пудратчи қилиб танланди.

Филиалимиз томонидан асосий қурилиш материаллари ҳамма аниқланди ва ҳар бир туманга темир бетон, ғишт заводлари бириктирилиб шартномалар тузилди. Яна бир муҳим жиҳати — давлатимиз томонидан имтиёзли нарҳларда черепица, металл ва цемент етказиб берилиши белгиланди. Махсулот берадиган корхоналар билан ҳам шартномалар тузилди. Тайёр махсулотлар ҳамма аниқланиб, объектларга етказиб берилмоқда.



Баркамол авлод орзуси

Тошкент Молия институтини қошидаги молия академик лицейи ўқитувчи ва ўқувчилар жамоасининг бош мақсадига айланган.



ИЛМГА ИНТИЛИШ

Яхши таъмирланган бино, махсус жихозланган ўқув хоналари, бой ахборот-ресурс маркази, инглиз тилидан бешта лингвафон хонаси спорт зали, ошона, билимли педагоглар... Айни пайтда, хар

цей улар учун кадрдон масканга айланди. Амра машгулотлардан кейин вақтини кўпинча ахборот-ресурс марказида, Сардор эса математика тўғрагида ўтказди. Битирувчи курс талаба-

манини ўқияпман. Фақат бу биринчи бор ўқишим эмас. Қайта-қайта мутаолифларни ана шу театр сахнасида кўришди. Хар ойда камида, иккита интеллектуал тадбирлар, учрашув ва кечалар ўтказамиз, дейди лицей директорининг маданий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Файрат Эргашев. Шуни қувончлики, болаларимизнинг ўзлари бу тадбирларнинг сценарий, сюжетларини яратишади. Миллий истиқлол ғоясидан таълим берувчи Камола Наркүлова қизиқ бир гапни айтди:

— Янги мавзунини ўтиб бўлишим биланоқ саволлар ёйлади. Агар ўқиб, ўрганмасанг, бу саволларга жавоб бериш қийин. Ёшларнинг дунёқараши, савияси банд — боғчаю мактабдан бошланадиган чуқур таълим-тарбиянинг самараси бу...

Дарслар тугаган, тушликдан кейинги пайт эди. Компьютерлар ҳам, столлар ҳам банд, ўқув зали гавжум. Марказ мудири Равно Тошматова иш билан банд — атрофи гавжум, уч-тўрт нафар йигит-қизларга керакли адабиётларни топишда кўмаклашапти. Ёшларнинг билимга чанқоқлиги, ўқитувчиларнинг фидойчилигини кўриб кўнгил қувонади. Бу интилиш, бу меҳнатнинг самарасини эса ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Хар йили ушбу лицей битирувчиларининг 80-90 фоизи олий ўқув юртрагига ўқишга кирмоқда.

Лицей ўқувчиларининг хар йили Алишер Навоий ва Бобур таваллудига бағишлаб бадиий композиция тайёрлашлари аъёнага айланган. Яна денг, бу тадбир, Абдор Хидоятнов номидаги театрда

са кўзга ташланади — аниқ фанларга ихтисослашган бу лицейда ёшларнинг адабиётга қизиқиши катта. Адабиётни севган ёшларнинг бошқа фанларни ўрганишга ҳам масъулият билан қарашини ўз тажрибамдан биланман, — дейди она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Жамила Тўраева. Қолаверса, адабиёт боланинг дунёқарашини шакллантириди, хар томонлама муқаммал ривожланишга асос бўлади. Лицей ўқувчиларининг хар йили Алишер Навоий ва Бобур таваллудига бағишлаб бадиий композиция тайёрлашлари аъёнага айланган. Яна денг, бу тадбир, Абдор Хидоятнов номидаги театрда

Шарофат Йўлдошева, «Ўзбекистон овози» мухбири. Абдусов ХАЙДАРОВ олган суратлар.

ОЛИЙ ЛИГА: ДАСТЛАБКИ ЯКУНЛАР

Бугун Муборақда бўладиган «Машъал» — «Бунёдкор» учрашуви билан олий лига жамоалари Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати баҳсларини якунлашади

Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси қаторасига кетма-кет икки мартаба мамлакат чемпионилигини қўлга киритган бўлса, пахтакорчилар ҳамда Қаршининг «Насаф» футболчилари кумуш ва бронза медалларига муносиб топилди. Охирги икки тур эса олий лигани тарк этадиган жамоаларга аниқлик киритди.



Муборақда ўтадиган кечиктирилган учрашув натижаси чемпионат жадвалида деярли ҳеч қандай ўзгаришларга сабаб бўлмади. Бу эса поёнига етаётган мавсум хусусида айрим фикр-мулоҳазалар билдириш имконини беради. «Бунёдкор» футболчиларининг якунланган йигирма тўққиз учрашувда бирорта ҳам мағлубиятга учрамаганлиги пойтахтликларнинг қанчалик кучга эга эканлигини дарак берсада, ўз навбатида бу қайсидир маънода миллий чемпионат савиясига берилган ўзига хос баҳо бўлди. Олий лигани тарк этаётган «Бухоро», «Сўғдиёна» жамоалари тўплаган очколарни пешқадамники билан солиштирганда, ўртадаги фарқ 59 (!) тани ташкил этганини аксарият муҳлис ва мутахассисларга ҳам маъқул келмаганлиги сир эмас. Ёши сал-

кам қирқни қоралаб қолган бразилиялик Ривалдо эса тўпурарлар баҳсида голиб чиқди. У чемпионат мобайнида 20 мартаба ракиблар дарвозасини аниқ нишонга олди. Агар олдинда яна бир ўйин борлигини ҳисобга олсак, бу кўрсаткич яна ўзгариши мумкин.

Тан олиш керак, мамлакат чемпионатлари тарихида олий лигани тарк этган жамоалар ҳеч қачон бу йилгидек кўп очко жамғармаганди. Аммо 24 очко, набухороликлар, на жаззахликларни омадсизлик кўчасидан сақлаб қола олмади. Тўғри, улар ўзини келаси йили қайси жамоалар тўлдирини ҳали аниқ эмас. Чунки биринчи лигада пешқадамлиқни қўлга киритган «Бунёдкор-Кўкон-1912» (Кўкон) ҳамда «Машъал-Спорт» (Муборақ) жамоаларидан бири олий лига вақилининг фарм-клуби саналса, Муборақ шаҳри шарафини ҳимоя қиладиган бошқа бир жамоа кучлилар ўртасида ўз мавқенини сақлаб қолган.

Охирги тур ўйинлари эса кўпчиликда шунчаки расмиятчилик учун ўтказилгандек таассурот қолдирди. Жумладан, Муборақда «Машъал» — «Сўғдиёна» жамоалари баҳсида мезбонлар очкичасига ракибларидан устунликларини намойиш этиши — 2:0. «Локомотив» жамоаси ўз майдонида «Андижон» вақиллари билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнади.

Ҳузурда ўтказилган «Шўртан» — «Насаф» жамоалари баҳсида Георгий Мереладзе томонидан киритилган ягона гол мезбонларга муҳим уч очкони тўхта этди. Чемпионат аутсайдерларидан бири «Бухоро» жамоаси ўз майдонида пахтакорчиларни енгитишга бир баҳ қолди. Учрашувнинг 12-дақиқасида Сухроб Нейматов бухороликларни олдинга олиб чиққанди, аммо ўйиннинг охириги дақиқасида мезбонлар вақили Шухрат Мусаевнинг кутилмаганда ўз дарвозасини «ишғол» қилиши эвазига пахтакорчилар ўртадаги мувозанатни тиклашди — 1:1.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Бунёдкор» — «Динамо» — 2:0, «Олмалик» — «Навбахор» — 2:0, «Хоразм» — «Металлург» — 0:0, «Нефчи» — «Кизилқум» — 3:0.

Эркин ХОЛБОБО

ЯКУНИЙ ЖАДВАЛ

Table with columns: Жамоалар, ў, ю, д, м, т-н, о. Lists teams like Бунёдкор, Пахтакор, Насаф, Олмалик, Нефчи, Локомотив, Андижон, Шўртан, Динамо, Хоразм, Кизилқум, Металлург, Машъал, Навбахор, Бухоро, Сўғдиёна with their respective scores.



бир лицейнинг ўзига хос ўқув йўналиши бўлгани каби, ўзига хос тарбия йўналиши ва муҳити ҳам бўлади. Ёшларнинг қандай билим олиши, маънавиятининг шаклланиши эса худди ана шу муҳитга, уни яратадиган устозларга ва раҳбарларга боғлиқ.

Лицейда бир аёна бор — янги ўқув йилининг биринчи кунини талабаларнинг электрон вариантларини маъжудлиги бизга қулайликлар яратаяпти. Темурмалик бадиий адабиётларни ўқишга қизиқар экан. Хатто, инглиз адабиёти намуналарини ҳам аслида ўқишга киришибди. Ундан ҳозир мутолаа қилаётган асари ҳақида сўрадик.

— Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» ро-

си Темурмалик Қодировни устозлари намуна қилиб кўрсатишади. Биз Темурмаликни ахборот-ресурс марказида учратдик. У олий ўқув юртига киришга тайёргарлик қураётганини айтди.

— Билимимни ошириш учун қўшимча адабиётлар, илмий қўланмалардан фойдаланаяпман, — дейди у. — Дарсликларнинг электрон вариантларини маъжудлиги бизга қулайликлар яратаяпти.


Темурмалик бадиий адабиётларни ўқишга қизиқар экан. Хатто, инглиз адабиёти намуналарини ҳам аслида ўқишга киришибди. Ундан ҳозир мутолаа қилаётган асари ҳақида сўрадик.

— Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» ро-

«01» оғоҳлантиради:

ГАЗ ВА ЭЛЕКТР МОСЛАМАЛАРДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИНГ

Кунлар совуши билан барчамиз хонадонларимизни иситиш мақсадида газ ва электр ускуналаридан фойдаланамиз. Лекин қай тарзда?



қўйидаги чораларни унутмаслик лозим:

— Мўриларнинг теварак-атрофида хашак, ўтин, шунингдек, хар хил тез ёнувчи уй-рўзгор буюмларини сақлаш тақиқланади.

— Иситиш печларидан сурункали фойдаланиш, уларни ёқилган ҳолда қолдириб кетиш қатъиян ман этилади.

— Ёқилган иситиш печлари устида, теварак-атрофида кийимларни қуришти, ўчиб қолган оловни ўт олдиришда бензин, керосин, ацетон ва шунга ўхшаш ёнгил ёнувчи суюқлик ишлатиш ҳамда ёниб турган иситиш печларини тузатиш тақиқланади.

Ёш болаларнинг газ атрофида ўйнашларига йўл қўйманг ва уларни ёлғиз, назоратсиз қолдирманг. Зеро, ёнгин хавфсизлигини таъминлашга хар бир ташкилот, муассаса, корхона мутахассислари, барча фуқаролар бирдек масъулдир.


Доврон МИРЗАЕВ, Ҳамза тумани ИИБ БХ бўлими катта инспектори.

«Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки жамоаси банк Бошқаруви раисининг ўринбосари Илҳом Шариповга онаси МАЛИКА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газетанинг навбатдаги сони 17 ноябрь, сешанба кунини чиқади.

Тиббиёт масканларида

Фаргона вилоятининг Ўзбекистон туманида олий тоифали шифокор Валижон Тўхтасиновни кўпчилик яхши танийди. У узоқ йиллардан буён машаққатли ва савабли касбни ардоқлаб келади.



ОЛАМНИ КЎРИШ БАХТИ

— Инсон тана аъзоларининг хар бири ўзига хос вазифани бажариб, бизнинг яшашимиз, ўқиш-ишлашимизга хизмат қиладди, — дейди у. — Шу ўринда алоҳида таъкидлашни истайманки кўз ўта нозик, ўта мураккаб аъзолир. Хар сафар хар бир беморга берган даво муолажалари, операция натижаларини ички безовталиқ ва айни пайтда ишонч билан қутамиз.

Бўлғуси шифокор ўрта мактабни тугаллаб, Андижон давлат тиббиёт институтининг даволash факультетига ўқишга кирди. Талабалик йилларидаги илмга чанқоқлик, кейинчалик ўз самарасини берди. Институтни тамомлағач, дастлаб Қўқондаги 1-шаҳар клиникасида жарроҳ бўлиб иш бошлади. 1981 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон туманидаги поликлиникада фаолиятини давом эттирди. Хар бир касб

эгаси тинмай изланса, ўз билими ва маҳоратини ошириб борса, эл-юрт эътиборини қозонади. Валижон Тўхтасинов 1983 йили Тошкент врачлар малакасини ошириш институтини профессори, машҳур офтальмолог Муҳаммадjon Комилов кафедрасида тахсил олди. Кейинчалик Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида профессор П.Лебехов раҳбарлигида ўқиб-ўрганди, тажриба орттирди. 1987 йил Красноярск шаҳрида кўз микрохирургияси бўйича тажриба ўрганиб қайтди.

Иқтидорли шифокор доим изланишда. Унинг ташаббуси билан 1987 йил туман марказида 25 ўринли кўз шифохонаси ишга туширилди. Мустақиллик йилларида эса Яйпан шаҳрида кўз касалликлари шифохонаси иш бошлади. У Тбилиси шаҳрида малака оши-

риб қайтгач, халқаро «ОБРИЗ» офтальмология лойиҳасида фаол иштирок этди.

Ҳозир эса Яйпан шаҳрида «НУР-МТД.В» хусусий офтальмология шифохонаси раҳбари бўлиб ишлаб келаётир. Мазкур шифохонанда ўн икки нафар тиббиёт ходими ишлайди. Шифо маскани замонавий диагностика ҳамда амалиётга тегишли тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Кўз гавҳарининг хиралашуви, кўз ички босими юқорилиги — глаукома, антиглаукома жарроҳлик йўли билан тузатилади. Кўз ёш йўли, кўз қовоғидаги пластик операциялар амалга оширилмоқда. Шамоллаш оқибатида келиб чиқадиган кўз касалликлари, кўз тўрсимон пардаси хасталиклари даволанмоқда.

Хуршид ДАМИНОВ. t

Advertisement for BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'afar HOTAMOV, Muslihidin MUHIDDINOV, Svetlana GERASIMOVA, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV. Includes contact info and subscription rates.